

«22» ноябрь 2022 йил

Яйпан шаҳри

Ўзбекистон тумани Мактабгача таълим бўлими рахбари В.Мамажонов (хужалик юритувчи субъект, ФИШ) бундан буён бир томондан «Харидор» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан «SUPPLY FOODS» МЧЖ рахбари Б.Махмудов низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» нинг талабига асосан «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширишдан сунг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

### II. ШАРТНОМА НАРХИ 2.1.

т/р №	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Пиёз (захира учун)	кг	28400	3500	99400000
	Жами				<b>99400000</b>

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: 99400000 (Тўксон тўғиз миллион тўрт юз минг) сўм

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилмаётган товарнинг 30% микдориди, етказиб берилгандан сўнг товар учун 70% микдориди пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

### IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 1 ой муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

(товар етказиб бериш муддати)

### V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилмаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертфикати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидани бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 10 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

### VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0.5% микдориди «Харидор» га пеня тўлайди, лекин пеня микдори шартнома қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5% миқдорда жарима тўлайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортик бўлмаслиги лозим.

7.5. Текширув органлари томонидан махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 (бир) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

#### IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «22» 11 дан 2022 йил «31» декабргача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлим)дан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

#### X. КУШИМЧА ШАРТЛАР

##### Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Сотувчи»

«Буюртмачи»

**“SUPPLY FOODS” МЧЖ**

**Ўзбекистон тумани МТБ**

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси

Манзил: Марғилон шаҳар Фурқат к-си 11-А

Тел. \_\_\_\_\_

ш/х 400522860302307091100251063

Тел./факс:

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРИ: 305153082

Х/в: 20208000405270382001

ОКОНХ: 92400

Банк номи: АТИБ “Ипотека банк” Фарғона филиали

Ғазначилик бўлини маси номи: Ўзбекистон тумани

МФО: 00544 СТИР: 307 666 566

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар

ХККМ

МФО 00014

Ғазначилик бўлини маси СТИРИ 201122919

Раҳбар В.Мамажонов

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.Ш)



Б.Махмудов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

JK3616260223

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Zaxira uchun piyoz**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: O‘zbekiston tumani maktabgacha ta'lim bo‘limi tomonidan 21.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**O‘zbekiston tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**B.M.TURG‘UNOV**

22.11.2022